



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги  
“Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2865-сонли қарори ҳаққида**

Республикамизда 9 май умумхалқ байрами - Хотира ва Қадрлаш кунини, Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва ҳайр-саховат мухитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2865-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Дастури (кейинги ўринларда - Дастур) 1-иловага мувофиқ маъқулланганлиги.

б) Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги.

в) Ишчи гуруҳ (А. Арипов)га:

Дастурда назарда тутилган тадбирларни “Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик” ҳамда “Аждодларни хотиралаш - муқаддас қадрият” шиорлари остида юқори савияда ўтказишни ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминлаш ва жойларга

чиқиб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш;

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг оила аъзоларига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва кўнглини кўтариш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этиш;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари турар жойи ва уй хўжалиklarини таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганларига турар жой ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши;

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кўрсатган матонати, мардлик ва жасорати аҳамиятини кенг аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президентига номидан бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топшириш вазифаси юклатилганлиги.

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси билан ҳамкорликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йиллари қўшиқ ва мусиқалари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

кўча ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакат

ва стендлар билан безашни таъминлаш топширилганлиги.

д) Ўтказиладиган байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудида истиқомат қилувчи 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордик чиқариши ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечак билан таъминланиши белгилаб қўйилганлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик ҳайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланиши.

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳрида 2017 йил 9 май соат 21.00 да байрам салотини ташкил қилиш.

ж) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш.

з) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул этилсин.

3. Туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа ишлар бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда:

Нукус шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йиллари кўшиқ ва мусикалари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўча ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакат ва стендлар билан безашни таъминласинлар.

4. Белгилаб қўйилсин, ўтказиладиган байрам тадбирлари ҳамда республикаимизнинг турли ҳудудида истиқомат қилувчи 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳри ва Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши,

меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордик чиқариши ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечак билан таъминланиши:

Нукус шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ҳамда ҳомийлик ҳайриялари ҳисобидан қопланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

**Қ.Сариев**